

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

«ТОНГ»НИНГ ИШЛАРИ БАРАКАЛИ



Ўрта Чирчиқ туманидаги Саидолим Тўраев раҳбарлик қилаётган «Тонг» масъулияти чекланган жамияти туман ҳамда вилоят иқтисодиётига муносабат ҳисса қўшаётган корхоналардан бирига айланди. 2004 йилда қайта ташкил этилган корхонада 50 турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилади. Жамоат аҳоли ва корхоналардан тушган буюртмалар асосида ишлайди. Жумладан, кўрпа, тушак, ётоқ чойшаблари, ёстиқ жилди, халат каби кундалик эҳтиёж молларига талаб катта.

Корхонада 30 киши меҳнат қилади, улардан тўрт нафари коллеж битирувчилари. Уста чевар Марҳабо Тошматов ва Шаҳодат Султонова, Махбуба Тожибоева, Феруза Курбонхўжаева каби тикувчиларга бошқош. Ишчиларга барча шарт-шароитлар яратилган, шинам ошона, маънавият хоналари улар ихтиёрида. Ҳар йили 4-5 ишчи «Оқтош», «Чинобод» сийхатгоҳларида имтиёзли йўлланма билан даволаб келади. Бундан ташқари, ҳар байрамда барча ишчилар турли совғалар

билан рағбатлантириб борилади. Корхона йил давомида аҳолига 300 миллион сўмликдан ортиқ саноат маҳсулотлари етказиб бериб, шунга яраша дурустгина фойда ҳам кўрмоқда. Даромадга яраша бурмад деганларидек, ишчиларнинг рўзгорларига кут-барака кириб, турмушлари фаровонлашиб бормоқда. Корхона хайрия ишларидан ҳам четда турмайди. Ҳар йили хайрия таъбирлари икки миллион сўм маблағ сарфланмоқда.



– Ишчилар меҳнатини энгиллаштириш, самарадорликни ошириш мақсадида 2010-2011 йилларда Хитойдан «Ямата» русумидаги энг замонавий тикув машиналари сотиб олиб

келиб, ўрнатдик, – дейди корхона раҳбари Саидолим Тўраев. – Улар ёрдамида буюртмаларни мuddатидан олдин тайёрлаб беришимиз мумкин. Корхонамизда мактаб ўқувчилари формаси, махсус

кийимлар ҳам буюртма бўйича тикиляпти. Ишимиз тоза, чоклар текис, махсулотимиз сифатли бўлганидан буюртмалар кундан-кунга кўпаймоқда. Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА.

СУРАТЛАРДА: уста чевар Марҳабо Тошматов ва шогирди Нилуфар Йўлдошева чокларини кўздан кечирмоқда; илгор тикувчи Шаҳноза Шерматова ўз ишидан мамнун.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ФРАНЦИЯДА САЛОҲИЯТИМИЗ НАМОЙИШИ

Мамлакатимизнинг Париждаги элчихонаси ва Франциянинг Руэй-Мальмезон шаҳри мэрияси ҳамкорлигида уюштирилган тақдиримиз маросимида 50 дан зиёд компания, жамоат ассоциациялари, муниципал ташкилотлар ҳамда маҳаллий маъмурият вакиллари ҳозир бўлдилар.

Тадбир чоғида мамлакатимиздаги жозибали сарможий иқлим, «Навий» эркин индустриал иқтисодий ҳудуди, «Ангрен» ва «Жиззах» махсус индустриал зоналарида, шунингдек, Навий шаҳар аэропортидаги Халқаро интермодал логистика марказида хорижий сармоядорлар учун яратилган қўлай шарт-шароитлар билан боғлиқ масалалар мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди. Бундан Франциянинг илгор технологияларга эга етакчи компаниялари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, уларнинг кимё, озиқ-овқат, тўқимачилик саноатида, машинасозлик, дори-дармон ишлаб чиқариш сингари соҳалардаги кенг камровли лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилишидаги иштироки истиқболдорлига асосий эътибор қаратилди.

Рикард Ўзбекистоннинг диверсификацияланган иқтисодиёти ҳамда мамлакатнинг юқори малакали мутахассисларга эга эканлиги хорижий сармоядорларни ўзига жалб қилаётганини таъкидлади. – Ҳозирги пайтда биз «Oberthur Technologies» компанияси билан ҳамкорликда мамлакатимизда биометрик паспортларни чиқариш бўйича иш олиб бормоқдамиз, – деди тадбиркор. – Шунингдек, биз «Ўзбекистон хаво йўллари» Миллий авиакомпанияси билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга интилоқдамиз, қўшма телекоммуникация йўлдоши лойиҳаси устида иш олиб бораётганимиз баробарида GSM 4G тизимини қўллаш юзасидан Ўзбекистон уяли алоқа операторлари билан музокара ўтказишни режалаштиряпмиз.

«Air Liquide» компанияси вице-президенти Кристоф Фонтейн мамлакатимизда энергия трансформацияси соҳасида ҳаётга татбиқ этилаётган сармоялаш бўйича узок муddатли дастур ҳақида атрафлича тўхталиди. – Биз саноат газлари заводининг қурилишидан манфаатдоримиз, – деди у. – Чунки бундан бундан саноат газларига бўлган талаб, айниқса кимё, нефтни қайта ишлаш ва металлургия жабаҳаларида барқарор равишда ошиб бораверади. Жорий йилнинг март ойида «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси ва «Air Liquide» компанияси ўртасида саноат газлари ишлаб чиқариш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат имзоланди. Бу ўзаро амалий ҳамкорлигимизнинг янги босқичи бўлди. «Жаҳон» АА.

«Жаҳон» АА вице-президенти Мишель

Обод турмуш йили

АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб таълим, меҳнат шартлари яратиш, ҳуқуқий, иқтисодий билимни ошириш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётган. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 мартда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чоралар тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим дастурий амал бўлмоқда.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Тадбиркор аёл» уюшмаси томонидан хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз юритилди. «Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси Г. Махмудова мақур ассоциация ўз фаолиятида аёлларнинг иқтисодий-ижтимоий имкониятларини кенгайтириш ва ҳимоялаш, уларнинг тадбиркорлик борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувват-

лашга алоҳида эътибор қаратиб келаётганини қайд этди. Ўз сафида 12 мингдан ортиқ хотин-қизни бирлаштирган ушбу жамоат ташкилоти томонидан ўтган вақт мобайнида 130 мингдан кўпроқ янги иш ўрни барпо этилди. 9 минг нафардан ортиқ аёл меҳнат бозорига эҳтиёж юқори бўлган касб-хунарларга йўналтирилди. Тадбиркорликни бошлаш истагидаги 14 минг нафардан ортиқ хотин-қиз бизнес асосларига ўқитилди. «Обод турмуш йили» Давлат

дастури доирасида ушбу жамоат ташкилоти томонидан амалга оширилаётган лойиҳада барча ҳудудларда тадбиркор аёлларнинг кредит олиш, бизнес объектлари куриш учун ер билан таъминлаш, экспортга оид ташаббуслари қўллаб-қувватланмоқда. Коллежаларни битирган қизларни тадбиркорликка йўналтиришга оид лойиҳа доирасида 750 нафардан ортиқ битирувчинини иш билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди.

«Тадбиркор аёл» уюшмасининг Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга ошираётган «Аёлларнинг иш билан таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси хотин-қизларни касбга қайта ўргатиш, улар учун ўқув-семинарлари таш-

кил этиш, бандлик масалаларини ҳал этишга оид тренералар тайёрлашга хизмат қилаётган.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан жойларда «Аёллар учун бизнес инкубатор ташкил этиш», «Ёшларни тадбиркорликка ўқитиш», «Хунарманд бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди».

«Аёлларнинг иш билан таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси хотин-қизларни касбга қайта ўргатиш, улар учун ўқув-семинарлари таш-

кил этиш, бандлик масалаларини ҳал этишга оид тренералар тайёрлашга хизмат қилаётган. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан жойларда «Аёллар учун бизнес инкубатор ташкил этиш», «Ёшларни тадбиркорликка ўқитиш», «Хунарманд бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди».

«Аёлларнинг иш билан таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси хотин-қизларни касбга қайта ўргатиш, улар учун ўқув-семинарлари таш-

кил этиш, бандлик масалаларини ҳал этишга оид тренералар тайёрлашга хизмат қилаётган. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан жойларда «Аёллар учун бизнес инкубатор ташкил этиш», «Ёшларни тадбиркорликка ўқитиш», «Хунарманд бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди».

«Аёлларнинг иш билан таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси хотин-қизларни касбга қайта ўргатиш, улар учун ўқув-семинарлари таш-

Янги иш ўринлари

Зангиота тумани Эркин кишлоғидаги ишлаб чиқариш корхоналари яна биттага кўпайди.

«Қурилиш» маҳалласида тадбиркор Алижон Худойкулов очган тикувчилик цехига 8 киши ишга жойлашди. Корхонага замонавий тикув машиналари келтирилгани чеварлар меҳнатини энгиллаштирди.

Шунингдек, «Қаҳрамон» маҳалласида қад рўстлаган қурилиш ашёлари билан савдо қилишга мўлжалланган «Хасан-Хусан» дўкони яқин кунларда аҳолига хизмат кўрсата бошлайди. Ўз мухбиримиз.

Яна тўловлар ҳақида

БИСОТИНГИЗ ЎЗИНГИЗГА БУЮРСИН!



Бордонқул кишлоғида газ ҳақини вақтида тўламасликни одат қилганлар таллайгина экан. «Қайтмас» маҳалласида яшовчи У. Номозбоев шундайлардан бири. У оқу қорани таниган ёшда бўлишига қарамай, 735 минг сўм қарзини тўлашни ортага суриб келатирди. Яқинда бўлим суд ижрочилари О. Ҳайитов, А. Абдуқаҳоров ва газ идораси ҳуқуқшуноси Д. Тешабоева уйига боришганида, у айбини тан олишга мажбур бўлди. Ҳақиқатан ҳам фойдаланилган табиий газдан қарзи борлиги, ҳозир

Юқори Чирчиқ туманида газ тўловларидан катта қарзи бор айрим фуқароларга нисбатан жиддий жазо чоралари қўллашга мажбур бўлинди. Суд ижрочилари бўлими 5 фуқародан фойдаланилган табиий газ учун жами 9 миллион 489 минг сўм қарзини ундиришга киришди.

Уни тўлашга имконияти йўқлигини тушунирди. Шундан сўнг мажбурин ижро ҳаракатларини қўллашга киришилди. Унга тегишли 1 дона «Daewoo» русумли телевизор, 1 дона «ВВК» русумли ДВД плеер ва 2 дона гилам хатланб, қарз эвазига олиб чиқиб кетилди. Бу ҳақда тегишли тартибда қарздор ва холислар иштирокида далолатнома расмийлаштирилди. «Миробод» маҳалласида яшовчи М. Ажриков ҳам боқибегамлардан экан. Унинг газдан қарзи 2 миллион 782 минг сўмга бориб қолган бўлсада, пинагини бузай демайди. Туман газ идораси ходимларининг тоқатлари тоқ бўлган, қарз-

дорнинг хонадонини тармоқдан узишга мажбур бўлиши. Бўлим суд ижрочилари хонадондаги телевизор, юмшоқ мебель тўплами, гиламларни хатлашди. Шунда ҳам қарздорга раҳм қилишиб, факатгина 1 дона «Новек» русумли телевизор олиб чиқиб кетилди. Қолганлари қарздорнинг ўғли У. Ажриковга Жиноят Кодексининг моддалари билан оғохлантирилган ҳолда вақтинчалик сақлаш учун топширилди. «Болта» маҳалласида яшовчи Д. Бегабаевнинг қарзи 3 миллион 434 минг сўмга етган. Илгари газ ходимлари уни бир неча марта оғохлантиришган.

Хонадон газ тармоғидан узиб қўйилган. Шундай бўлишига қарамай, газ тармоғига ўзбошимчилик билан уланиб олиб, фойдаланаётгани аниқланди. Бу ҳақда тегишли тартибда далолатнома тузилди. Қарзини тўлаш имкониятини айтгани учун яқин ниятда сотиб олган «GoldStar» русумли телевизор, «Samsung» чангютичи ва мусика асбоби хатланб, олиб чиқиб кетилди. Тинчлик кишлоғи «Балиқчи» маҳалласи Шодиёна кўчасида яшовчи А. Жўраев вақтида қарзини тўламаганидан афсусланиб, «Қанийди, вақт ортига қайтиб, қарзларини тўлаб қўйсам» деб ўйлаётган бўлса ажабмас. Чунки 1 миллион 900 минг сўм қарзи эвазига уйдаги 2 та телевизор ва гиламларни хатлашларига рози бўлишдан ўзга чора тополмади. «Миробод» маҳалласи, Чарогон кўчасида яшовчи

Ж. Умаровнинг 637 минг сўм қарзи борлиги тасдиқланди. Фуқаро қарзини тез кунда тўлашга ваъда берди. Ижро ҳаракатлари давомида қарздорнинг уйдаги «Копка» русумли телевизор, «Sony» русумли плеер, «Nova» русумли колонкалар тўплами, 3 дона гилам хатланб, оғохлантирилган ҳолда қарздор Ж. Умаровга вақтинчалик сақлаш учун топширилди. – Хатланб, олиб чиқиб кетилган мол-мулклар Юқори Чирчиқ туман суд ижрочиларининг сақлаш хонасига жойлаштирилди, – деди суд ижрочилари бўлими бошлиғи катта суд ижрочиси Евгений Цой. – Қарздорлар фойдаланилган табиий газдан қарзларини тез кунда тўлашгани ва суд ижрочилари бўлимига шу ҳақдаги маълумотларини тақдим этишгани учун фуқароларнинг мол-мулкларини ўз эгаларига қайтарилди. Ҳуришда НАЗАРОВА.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

Бўстонлик: ОРАСТА ҚИЗЛАР ДАВРАСИ

«Навобод» маҳалласида «Ораста қизлар» клубининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

«Маҳалла» жамоат фонди вилоят бўлими, хотин-қизлар қўмитаси вакиллари иштирок этган тадбирда сўзга чиққанлар қизларни зукко, билим, ораста қилиб тарбиялашда маҳалла ва жамоатчиликнинг роли, «Ораста қизлар» тўғрисидаги ишлари эътиборга сазовор эканини таъкидлашди.

Шунингдек, тадбирда қизларни оила қуришга тайёрлаш, эрта никоҳларнинг олдини олиш, тўй ва маросимларни ихчамлаштиришда ота-оналар ва жамоатчилик олдида турган вазифаларга тўхталиб ўтилди.

Олмалиқ: ФАРЗАНД – ҚАЛБ РАЙҲОНИ

Сўфи Оллоёр номи маҳаллада вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Фарзанд – қалб райҳони» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиёва тадбирни кириш сўзи билан очар экан, ёшлар тарбияси, хусусан, қизлар билан ишлашда маҳалла хотин-қизлар қўмиталари, ёшлар ташкилоти, хусусан, маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчилари олдида турган вазифаларга тўхталиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари шаҳардаги 20-умумтаълим мактабининг «Ораста қизлар» тўғрисидаги аъзолари ва 80-маҳсус мактаб-интернат ўқувчилари тайёрланган бадиий чиқишларини томоша қилишди. Қурилиш ва уй-жой-коммунал хўжалик касб-хунар коллежи ўқувчилари ташкил этган амалий кўргазма йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА.

Фуқаролик жамияти сари

ҚИШЛОҚ АҲЛИ БИЛИБ САЙЛАЙДИ

Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари маҳаллий аҳолининг фаоллигида ўтаётгани ҳақида таҳририятга тинимсиз хабарлар келиб турибди.

Шуниси диққатга сазоворки, ҳамма қишлоқ ва маҳаллаларда раис ва унинг маслаҳатчилари бир неча номзодлар орасидан танлаб сайланмоқда.

Зангиота тумани Ҳасанбой қишлоқ фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилар сайлови ҳам муқобиллик асосида ўтди. Бу қаер-

да ишчи гуруҳлари аъзолари ўз зиммаларидаги вазифалар ижросига масъулият билан ёндошиб, тайёрлик ишларини қонун асосида олиб боришга тайёр бўлса, ўша ерда вакиллар

йиғилиши уюшқоқлик билан тартибли ўтаётганининг яна бир исботи бўлди. Ҳасанбой қишлоғида сайловларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган 7491 фуқаро номидан овоз берув-

чи 107 вакил сайланган эди. Шунингдек, қишлоқ фуқаролар йиғини раислигига бир йўла тўрт номзод рўйхатга олинганди. Вакиллар йиғилишидаги овоз бериш натижалари

ҳасанбойликлар шу кунгача қишлоқ оқсоқоли вазифасини бажариб келган Комил Раҳимовнинг ишдан мамнун эканларини кўрсатди. Тўрт номзод орасида энг кўп – 84 фойз



овоз олган амалдаги оқсоқоқ қишлоқ фуқаролар йиғини раислигига қайта сайланди. Шунингдек, 18 номзоддан 9 нафари раис маслаҳатчилари этиб сайланди.

Даврон АХМАД олган суратлар.

Акция

АРДОҚДАГИЛАР

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси "Халқаро қандли диабетга қарши курашиш куни"га бағишлаб шу хасталик билан оғриган болалар учун хайрия акциясини ўтказди.

Тегишли идораларнинг масъул ходимлари, бемор болалар ва ота-оналар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокидаги тадбирда қандли диабетнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари, олдини олиш ва бартараф этиш йўллари хусусида фикр билдирилди.

– Вилоятимизда қандли диабетдан азият чекаётганларни буткул даволашнинг иложи йўқ, – дейди "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошлиғи Феруза Раҳматиллаева. – Шундай бўлса-да, уларга амалий ёрдам бериш бизнинг бурчимиз. Қандли диабетни инсулин ёрдамида назоратда ушлаш, шу йўл билан беморлар ҳаётини сақлаб қолиш мумкин ҳол.

Қанд касалига чалинган болалар ҳамда эҳтиёжман оилаларнинг фарзандларига амалий ёрдам бериш, аёллар соғлигини тиклаш мақсадида ташкиллаштирилган акцияда вилоятимиздаги қанд хасталигига йўлқан болалардан 20 нафарига 6 ойга етadиған инсулин дори воситалари ва эсдаллик совғалари топширилди.

Бахтиёр ШАВКАТОВ.

13-КЎЧАГА ГАЗ КЕЛДИ

Зангиота тумани Туркистон қишлоғидаги "Туробод" маҳалласидаги Истиқлол кўчаси аҳолисининг қувончига қувонч қўшилди. Мавжуд 13 та кўчанинг 12 тасига илгари табиий газ киритилган эди. Яқинда 13-кўчага ҳам зангори олов қувурлари тортилиб, 44 та хонадон газлаштирилди.

Маҳалла ҳудудидаги барча хонадонларда яшаш шароити яхшиланиб, ичимлик суви, электр энергияси билан тўлиқ таъминланган.

Ўз мухбиримиз.

«Оқила аёл – 2013»

НОЗИК ЕЛКАЛАРДА – ЭЗГУЛИК ЮКИ

Олмалик шаҳридаги маданият саройида вилоятимиз аҳолиси ижтимоий-сиёсий ҳаётида муносиб ўрни бўлган Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят бўлими яна бир тадбир уюштирди. Партиянинг "Аёллар қаноти" хо-

янада катта масъулиятларни юклаганди. Бу вазифа ижроси Обод турмуш йилида хотин-қизлар фаолиятига бағишланган тадбирларимизда ўз аксини топмоқда. "Хотин-қизлар – инновация ривожланиш тарафдори", "Замонавий аёл – бунёдкор, етакчи" лойиҳаларимиз, шунингдек, хотин-қизлар репродуктив саломатлигини яхшилашга йўналтирилган семинар, табиий кўрик, давра сўхбатлари шулар жумласидан. Бу ишларни кенг қўламада дивом эттиришда партиямиз

аъзолари, хусусан сафларимиздаги олти мингдан зиёд хотин-қизлар – маориф, соғлиқни сақлаш ходимлари, ишбилармон ва тадбиркорлар фаол қатнашди. "Оқила аёл" танловиданинг шаҳар, туман босқичларида голибликни қўлга киритган 18 истеъдодли хотин-қиз иштирок этди. Ҳайъат аъзолари уларнинг сиёсий партиялар ҳақидаги билимлари, миллий қонунчилик асослари, халқаро тажрибалардан, жаҳонда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараён-

лар, воқеа-ҳодисалардан хабардорлиги, фаол фуқаролик нуқтаи назарига, ўзи яшаётган ҳудудда ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришдаги лаёқатига алоҳида эътибор қаратди. Танлов якунига кўра, Ангрэн шаҳридаги 14-мактаб ўқитувчиси Ойша Уралова (1-ўрин), Олмалик шаҳридан журналист Шоҳиста Мақсудова (2-ўрин), Чиноз туманидаги тарбияси оғир 11-14 ёшли қиз болалар учун ёпиқ турдаги махсус мактаб-интернат директори Феруза Жуманова (3-ўрин) голиб деб топилди. **Сайёра РИХСИЕВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

Анжуман

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгашининг навбатдаги конференцияси бўлиб ўтди. Анжуман қатнашчилари кен-

– Навбатдаги конференциямиз мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта ўзгаришлар юз бераётган даврда ўтаётгани билан аҳамиятлидир, – деди вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Наврўзбек Мирзаев. – Чунон-



чи, айна кунларда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари қизгин паллага кирди. Биз ватанпарварчилар юртимизда халқ фаровонлиги йўлида амалга ошириладиган туз ислохотлар самарасининг нафақат гувоҳи, балки бевосита иштирокчиси эканмиз, барча ўзгариш ва янгиланишларда муносиб ҳиссамиз борлигидан фахрланамиз. Зеро, 2012-2013 йилларда ташкилотнинг янги таҳрирдаги Уставни талаб-қоидалари асосида иш юритган кенгаши-

га шнинг 2012-2013 йиллардаги фаолияти натижаларини ҳақиқатда, шунингдек тафтиш комиссияси ҳисоботларини тинглаб, муҳокама қилдилар.

РАҲБАР МАЛАКАЛИ ВА ОДИЛ БЎЛИШИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги қарори ижросини таъминлашга ҳам ватанпарварчилар муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ташкилот ташаббуси билан ички ишлар идоралари ҳисобидан турган вояга етмаган, тарбияси оғир

тўғарақлари ва секцияларига жалб этилди. Ташкилотнинг асосий вазифаси ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш экани эътиборга олинди, мамлакат ижтимоий ҳаётининг ислоҳ қилиш жараёнининг таркибий қисмига айланиб, бир-бирини мантқан тўлдириб бораётган Давлат дастурлари ижросида



болалар яшаётган 47 та ижтимоий ёрдамга муҳтож оила оталиққа олинди. Мингга яқин вояга етмаганлар жойлардаги спорт

фаол иштирок этиш "Ватанпарвар" ташкилоти фаолиятининг асосий йўналишларидан бирига айланиб бормоқда. Хусусан, **Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

Қарор ва ижро

ИҚТИДОРЛАР ШУ ЕРДА ШАКЛЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Мактабдан ташқари таълим тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Баркамол авлод" болалар марказлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорлари мактабдан ташқари таълим муассасалари тизimini ислоҳ қилиш, моддий-техник базасини яхшилаш, ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, таълим-тарбиянинг мазмун ва моҳиятини замонавий талаб ҳамда тақлифлар асосида қайта ташкил этиш ва кадрлар салоҳиятини оширишда муҳим қадам бўлди.




Хукумат қарорлари ижроси доирасида Бекобод тумани "Баркамол авлод" болалар маркази биноси мукаммал таъмирланди. Машгулот ўтказиш хоналари реконструкция қилиниб, янги жиҳозлар билан тўлдирилди. Кадрлар таркиби кўриб чиқилиб, 21 салоҳиятга йўналтирилган педагог 36 турдаги тўғарақлар фаолият юрити бошлади. Марказда 6 ёшдан 16 ёшгача болаларга бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун кенг имкониятлар яратилди. Тўғарақ машгулотлари техник ва бадиий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология йўналишлари бўйича гуруҳларга бўлиб ўтказилмоқда. Марказ мураббийлари "Йилнинг энг яхши тўғарақ

раҳбари", тўғарақ аъзолари эса "Келажак овози", "Янги авлод" танловларида фаол иштирок этмоқдалар. Жумладан, бу йил ёш мусаввирлар тўғарағи раҳбари Райхона Ҳайдарова "Энг яхши тўғарақ раҳбари" номинацияси бўйича вилоят босқичида 2-ўринни олган бўлса, шу тўғарақ аъзоси Улуғбек Абдужамалов "Эш ижодкор" танловида 2-ўринга эга бўлди. "Янги авлод" танловининг ўтган йилги вилоят босқичида боғча тарбияланувчиси Машхура Хошимова "Энг жажжи раққоса" номинациясида голибликни қўлга киритган эди. Марказ мураббийлари келгусида иқтидорли болаларнинг республика миқёсидаги танловларга олиб чиқиш устида қизгин иш олиб бормоқдалар.

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

БОШ ҚОМУСИМИЗ – ИСТИҚЛОЛИМИЗ РАМЗИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг жамиятимиз ҳаётида тўтган ўрни ва аҳамиятини чуқур англаб етиш юртимизда яшаб турган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Бу йил биз Конституциямиз қабул қилинганнинг 21 йиллигини кенг нишонлаймиз. У ҳақимиз эзгу мақсадларининг ҳуқуқий кафолати, мустақил ҳуқуқий йўлимиз ва миллий ҳуқуқларимиз тизимининг таянчидир.



Табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-нуфузи унинг Асосий қонуни бўлган Конституцияси билан белгиланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида намоён этадиган асосий ҳужжатдир. Зеро, уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Юртбошимиз сўзлари билан айтганда, "Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг махсулидир".

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моҳияти, хусусиятлари, конституциявий тузумнинг асосий тамойиллари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, жамият ва шахс муносабатлари, давлат тузилиши, маъмурий ҳудудий тузилишлар, давлат ҳокимияти, уни тузиш тартиби, ваколатлари ва фаолият шакллари қатор болларда ўз аксини топган.

Конституцияда халқимизнинг истиқлол ва тараққиёт йўлида қайси сиёсий ва ҳуқуқий негиз ҳамда тамойилларга таяниши лозимлиги аниқ белгиланган. Чунончи, ўзбек давлатчилигининг бой тарихий таж-

рибасига таяниш, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, демократик ва ижтимоий адолат гоиларига садоқат, халқаро ҳуқуқнинг бутун жаҳонда эътироф этилган қоидаларини тан олиш, Ўзбекистон фуқароларининг фаровон ҳаёт кечирishiларини таъминлаш, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатлигини таъминлаш устувор вазифалар сифатида қайд этилган.

Конституциямиз БМТ ҳужжатларига, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясига, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларига мосланган. Халқимизнинг маънавий ва маданий мероси, миллий тафаккур, муқаддас исломий қадриятлар ва кўп асрлик ўзбек давлатчилиги таърибаси акс эттирилган. Бу қадриятлар халқимизнинг узоқ асрлик турмуш тарзида, аънавий маданиятида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

Биз давлатимиз ва жамиятимизнинг нафақат булунги қиёфаси, ҳаёт тарзи, балки келажакнинг ҳам белгилаб, эзгу мақсадларимизнинг ҳуқуқий замин ва пойдеворини муҳраб берувчи Бош қомусимиз асосида яшамоларимиз. Демак, мамлакатимиз мустақиллиги ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлатчиликни ривожлантириш, ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш энг асосий вазифамиздир.

Ҳикматилла ТУЛИБОВ, Гулбахор саннат касб-хунар коллежи тарих фани ўқитувчиси.

Минифутбол

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ ЖАМОАСИ – ҒОЛИБ

Вилоят ҳокимлиги, футбол федерацияси ҳамда футболни қўллаб-қувватлаш жамоат жамғармаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Кон-

ституцияси кунига бағишлаб вилоят шаҳар ва туманлари жамоалари ўртасида минифутбол бўйича турнир ўтказилди.

Дастлаб жамоалар тўртта гуруҳга бўлиниб, ўзаро куч синашди. Гуруҳларда биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар плей-офф тартибда баҳсларни давом эттирди. Финалгача етиб келган

вилоят ҳамда Ангрэн шаҳар ҳокимликлари жамоалари ғолибликни қўлга киритиш учун майдонга тушдилар. Мурасасиз курашда вилоят ҳокимлиги жамоаси ғалаба қозониб, бош соврин эгаси бўлди. Ангрэн шаҳар

ҳокимлиги жамоасига фахрли иккинчи ўрин nasib этди.

Финалга чиқишга бир қадам қолганда мағлубиятга учраган Бўстонлик ва Охангарон ҳокимликлари жамоалари совринли учинчи ўрин учун курашди. Қизиқarli кечган баҳсда бўстонликларнинг қўли банд келди.

Шунингдек, мусобақага меҳмон сифатида тақлиф этилган Ўзбекистоннинг фахрий футболчилари Равшан Юнусов, Ислам Аҳмедов ва Шомил Яфаровга зарбоф тўн кийдирилиб, эсдалик совғалари тақдим этилди.

Азамат АҲМЕДОВ олган суратлар.



Қатра

УМР БОҒИМИЗ БОҒБОНИ

Кези келганда ота ўнла устоздан ҳам аъло бўларкан. Отажонларимизнинг насақлари, ўғитлари бизнинг ҳаёт йўлимизни, умримиз мазмунини белгилаб бераркан.

Яқинда ҳаётимдаги энг катта бойлигим, меҳрибон сирдошим, падари бузрукворим – отамдан жудо бўлдим. Жуда оғир бўларкан отасизлик... Бағрингиз хувиллаб қолиб, арзиманган шабада ҳам жунжитиб ўтаркан. Отам ҳаётликларидека биллинмаган экан. Ҳамма нарса бадастур, хонадонимизда ҳеч қандай муаммо бўлмади. "Ўғлим, кўзимнинг нури, белимнинг қуввати", дер эдилар эркалде, ёшим эликдан ошган бўлса ҳам. Сочларимдаги оқ толаларни кўриб, хўрсиниб кўярдилар. Мени деб эзилганларини шундоқ нигоҳларидан сезиб турардим.

Ҳар кун ишга шошардим. Отам эса мен билан суҳбатлашишга интиқ, муштоқ бўлиб, кўча дарвозаси томон нигоҳларини қадаб, келишимни кутиб ўтирардилар. Мен бўлсам, ҳаловат топиб, отам билан суҳбатлашишга вақт ажрата олмадим.

Бугун болагим ўтган ҳовли хувиллаб қолди. Отам ҳовли тўрига экиб кетган олма, узум, анор, анжир, жийда, тут дарахтлари улкан боғга айланган. Отам эса... Боғбоним...

Наргис ҲАСАНОВА.

Ҳаёт сабоқлари

Умиджоннинг дунёга келиши бутун оила учун қувончи воқеа бўлди. Аслида Умиджоннинг "бутун оила"си атиги икки киши. Ота-онаси болалар уйда ўсишганда балким Умиджоннинг ҳам буви-буваси, амма-холаси бўлар эди...

Ота-онанинг қувончи чексиз эди. Ахир улар Умиджоннинг туғилишини беш йил интиқиб кутишди. Бунинг ширинлигини қара, – дерди Маъруфжон чақалоқнинг жажжи қўларини ушлаб. – У бизнинг умидларимизни амалга оширади.

Аммо фалокат оёқ остида деганларидек, Умиджон икки ёшга тўлганда Маъруфжон автохалокатга учраб вафот этди. Бечора Ноила: "Ўзим ота-онасиз ўсганим етмаганидек, ўғлим ҳам отасиз ўсадим", деб тинмай йиғларди. Икки ашар бола билан бева қолган Ноила 26 ёшда эди. Тагин ҳам қўлида хунари бор – тўқчи, тикши, пазандчилик.

...Кийинг совуқ кунларида бозорда кийим-кечак, пишириқ сотган Ноила бир неча кун иситмалаб ётди. Яқинямки, кўшниси Лобар ҳола бор. Ноила бозорга кетса, Умиджонга қараб туради.

Ноила ойна олдида оппоқ оқарган сочларини та-

раркан ўйлади: Умиджон кап-катта бола бўлиб қолди. Ҳадемай 13 ёшга тўлади. Афсуски, буни отаси кўрмади. – Ойи, буфетга пул бер-

ўғлини танлади. Аммо Умиджон нимагадир онасига фақат бирор нима кераклигидagina яхши га пиради. Бошқа вақт эса... Ноила буни шўхлик, эр-

– Нима бу? – сўради Умиджон. – Қўрмайсанми, пул-ку! – Билиб турибман, лекин шунча иш қилиб, шугинани оламанми?

– Майли тезроқ уйингга бор. Онанг кутиб қўзлари турт бўлди. Тоби қочиб қолди.

Умиджон уйга югурди. Айвонда ётган онаси ва ёнидаги хамширага кўзи тушди.

– Ойи, сизга нима бўлди?

– Ўғлим, келдингми, – деди йиғламсираб Ноила. Кейин хамширага юзланди. – Қизим минг раҳмат сизга, уйингизга хотиржам бораверинг.

Хамшира кўчага чиқаркан, Умиджонни четга имлади:

– Онангни қайта хавотирга қўйма, – деди, – ахир қанд қасалида сикилиш, хаяжонланиш мумкинмас.

– Қанд қасали?! – Онанг айтманг деганди. Лекин жим қараб тура олмайман.

Умиджон онасининг исисик бағрига отилди. – Сенга костюм-шим олиб келувдим. Кийиб кўргин, – аранг товущи чикди Ноиланинг. – Бошқа кўр-қитмагин, жоним болам.

– Хўп, ойижон. Энди ҳамма айтганингизни қиламан. Фақат мен учун ўзингизни асранг, ойижон!

Умиджоннинг меҳрли сўзлари она вужудидagi оғриқни тарқатгандек бўлди. Севинч ХУРСАНАЛИЕВА.

МЕХР

ринг, – эркаланди шу пайт Умиджон.

– Ўғлим, биласан-ку, тобим йўқлигида дори-дармонга кўп пул кетди. Лобар холангдан ҳам қарз бўлиб қолдик. Бугунча пи-рог олиб борақол. Бозорга чиқсам, сенга костюм-шим оламан. Буфетингга пул бераман. Хўпми?

– Йўқ, керакмас пи-рогингиз – ўшқирди Умиджон. Онасининг нонушта қилиб кет, деган сўзи ҳам оғзида қолди. Ўзининг ҳам томоғидан овқат ўтмай, оч-наҳор бозорга йўл олди. Йўлда кетар экан кўп нарсаларни ўйлади. Кўзининг оқу қораси Умиджон ўғай ота қўлида қолмаслиги учун қайта турмуш кўрмади. Ахир унинг хунари-ю, хуснини кўриб, не-не кишилар совчи жўнатганди. У эса



каликка йўяди.

Умиджон мактабдан чиқиб чойхоначи Қобил отадан иш сўраб борди.

– Иш тикилиб ётибди, болам.

– Пуляним шунга мосми? – Албатта.

Умиджон ишга киришиб кетди. Унинг ҳаёлида бир ўй: ойим бермас экан, ўзим пул топаман! Шундай деб у қоронғигача ишлади. Идиш-товуқ ювди. Чой дамлади, супур-сидир қилди. – Ма, – деб 1000 сўм узатди чойхоначи.

– Хоҳламансан олма.

Умиджон ноилж пулга кўл чўзди. Уйга йўл оларкан Лобар ҳолага дуч келди.

– Ҳа, Умиджон, қаёқларда юрибсан?

– Ишлагман, – керилди Умиджон.

– Қаерда?

– Чойхонада.

– Хўш, қанча пул топдинг?

Бу сафар Умиджон сал ховуридан тушиб, қўлидаги 1000 сўмини кўрсатди.

– Ҳа-а, – деди Лобар

ҲАСАД ЎТИ

Ҳамхонам Замира билан бирга ишлаётганимга кўп йиллар бўлди. Анчайин кибру ҳаволи. Хонамизга иш юзасидан келганларга беписанд муносабатда бўлади. Ҳозир одамлар ундақ, одамлар бундоқ, дегани-деган. Агар ишхонамизда кимдир раҳбардан мақтов эшитиб қолса, Замира ўша кунни туни билан тўлғаниб чиқса керак. Эртаси кунни қўли ишга бормай, мақтов эшитган хошимга ўқрайиб ўтиради.

Бугун ҳам шундай бўлди. Кўп йиллик самарали меҳнати билан жамоамизда хурматга соғилар бўлган Ноила опа мақтов ёрлиги ва эсдалик совға билан тақдирланди. Эшикни зарб билан очиб кирган Замирани кўриб, чўчиб тушдим. Юзлари қизариб, қўзлари олайиб кетди. Ўрнига ўрнашиб ўтириб олган, юзларини берки-тиб, овоз чиқариб йиғай бошлади. Мен эса нима қилишни билмай қолдим. Қалби басир одамни нима деб юпатишни билмасдим.

Наргис МАМАТҚУЛОВА.

Истеъмолчи ҳуқуқлари қонун ҳимоясида

ҚАРЗИ ЙЎҚЛАР ЖАБР КЎРМАСИН

Ҳуқуқий давлатда яшаймиз. Қонунлар ҳимоясида. Истеъмолчи сифатида барча ҳақ-ҳуқуқларимиздан тўлиқ фойдаланаямиз. Зиммамиздаги мажбуриятларни дегаданда, бу ўринда тўловларни назарда тутаямиз. Ахир истеъмол қилаётган наъматлар, фойдаланаятган хизматларнинг ҳақини ҳам тўлаб қўйиш керак-да! Аммо, пулини олдиндан тўлаб қўйиб, эвазига бекамму кўст хизмат ўрнига қуруқ тухматга дуч келсангиз, нима қиласиз?

Айтилик, сартарошхонага кирдингиз. Хизмат ҳақини олдиндан тўлаб қўйишни сўрашди. Ҳа энди, тартиб шундай эканда, деган ўй билан сўралган маблағни бўлдингиз-у, ўриндиққа бамайлихотир ўтирмақчи бўлдингиз. Сартарош эса: "Ака, тунов кунни қўшингиз сочсоқолини олдириб, хизмат ҳақини насия қилиб кетган. Шу одам пулни олиб келмагунча, сизнинг ҳам сочингизни олмаман" деса, ахволнингиз не кечади?

Яқинда Юқори Чирчиқ туманида оз эмас, кўп эмас 6534 фуқаро ва 11 та хўжалик юритувчи субъект шу қўйга тушди. Худуддаги Арганчи, Суранкент ҳамда Саксонота қишлоқларидаги

Аҳмад Яссавий, "Дархон", "Мамут", "Ободон", "Гулистон", "Қизилсой", "Оқовул", "Тоштўғизоқ", "Марказий", "Сергели" ва Алишер Навоий номи маҳаллаларда истиқомат қилувчилар хонадонлари аҳоли қарздорлиги баҳонасида, шу йил 18 октябрь кунни соат 22.00 дан 24.00 гача электр тармоғидан, 19 октябрь кунни соат 10.00 дан 18.30 гача табиий газ тармоғидан узиб қўйилди-ю, истеъмолчиларга 3 миллион 600 минг сўмлик электр энергияси ва 6 миллион 84 минг сўмлик газ ўз вақтида етказиб берилмади. Ваҳоланки, мажбурият аҳоли пунктларида яшовчи 511 киши табиий газ бўйича 121 миллион 133 минг сўм ҳамда 2159 истеъмолчи электр қуввати бўйича 130 миллион 766 минг сўм фойдаланиш ҳақини олдиндан тўлаб қўйган эди. Табиийки, қарзи йўқ хонадон эгалари эрта қоронғу тушиб, салқинлаб қолган қушқунларидан бундай ноқонуний узилшлардан норози бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига ариза билан мурожаат этдилар. Натихада вилоят прокуратурасида юқорида кўрсатилган ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 205-моддаси 1-қисми

билан жиноят иши кўзга тилди.

Дастлабки тергов жараёнида ҳуқуқбузарликни содир этган Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги, "Тошкентгазтаъминот" унитар корхонаси ва "Тошлеқтармоқлари" очик акциядорлик жамияти мансабдор шахслари аниқланди. Тергов ва суриштирув ишлари давом этаётгани боис, ҳуқуқбузарликка сабабчи бўлган мансабдор шахслар номи тилга олмадик. Лекин айбдорлар жазоланиши тайин. Фақат бундан буён бошқа жойларда шундай ҳолатлар такрорланмаслиги, қонунларимиз истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқини поймол қилишга йўл қўймаслигини эслатиб ўтиш жоиз.

Албатта, аҳоли, жисмоний ва юридик шахсларнинг фойдаланилган наъмат-у хизматлардан қарздор бўлиб қоллишига йўл қўймаслик, бундай ҳолатларнинг олдини олиш, шартнома мажбуриятлари бузилганда тегишли чоратadbirlar қўллаш керак. Лекин бу нарса тўловларнинг олдиндан тўлаб қўйетган истеъмолчиларнинг қонун муҳофазасидаги манфаатларига, давлат ва жамоат манфаатларига зиён етказмаслиги керак.

Тошкент вилояти прокуратураси.

Рассом хандаси



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мабутовчилар кўчаси, 32. e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс); 233-12-83, 233-48-08; 233-56-03, 233-65-59; 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таърифи компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ



САЙЛОВ ҚАЙТА ЎТКАЗИЛДИ

Малдив республикасида ўтказилган президент сайловларининг иккинчи турида Абдулла Амин ғолиб бўлди.



Маҳаллий сайлов комиссиясининг дастлабки маълумотларига кўра, ҳозиргача 98 фоиз бюллетень ҳисобдан ўтказилиб, Ямин 51,3 фоиз овоз билан пешқадамлик қилди. Унинг асосий рақиби, сайлов кампаниясида етакчи бўлиши тахмин қилинган Муҳаммад Нашид 48,6 фоиз овоз олганини маълум қилди ИТАР-ТАСС.

Авалги президент сайлови 7 сентябрда ўтказилган эди. Бирок, Олий суд овоз бериш натижаларини бекор қилди. Чунки, 5600 та бюллетень яроқсиз деб топилганди. Ушунда биринчи тур сайловлари қайта ўтказилиб, собиқ президент Муҳаммад Нашид 45,08 фоиз, Абдулла Ямин 31,21 фоиз овоз олганди. Иккинчи тур натижалари эса президент лавозимига янги номзод – Абдулла Ямин сайланганини кўрсатди.

ХАВФСИЗЛИК ҚОЙДАСИНИ БУЗИШ ОҚИБАТИ

Мисрда йўловчи поезди билан миниавтобус тўқнашиб кетгани оқибатида 20 дан зиёд киши қурбон бўлгани, яна 15 киши жароҳат олганини маълум қилди Associated Press агентлиги.



Халокат Каир шаҳри яқинидаги темир йўли кесилишида содир бўлди. Йўловчи поезд миниавтобус ва яна бир неча автомобилни мажаслақлади. Поездда қанча йўловчи бўлганига ҳали аниқлик киртилгани йўқ. Шунингдек, автохалокат сабаблари ҳам ҳамон номаълум.

Умуман, Мисрдаги темир йўлларда бундай тўқнашулар тез-тез юз бериб туради. Сабаби оддий – хавфсизлик қоидаларига амал қилмаслик. Чунки, 2012 йилнинг ноябрида Каир шаҳри яқинида поезд мактабга қарашли автобусни уриб юборганида 50 киши, асосан болалар ҳалок бўлган эди.

ҚҮЙОН ЎЛИМ ВА ВАЙРОНЛИК КЕЛТИРДИ

Американинг Иллиной штатида 17 ноябрь кунини ёпирилган бир неча қуён камиди беш кишининг ҳаётига зомин бўлгани ҳақида хабар тарқатди. Associated Press агентлиги.



AFP агентлиги маълумотларига қараганда, штат жанубида икки киши, Нью Минден шаҳрида икки фуқаро ва штат марказидаги чоғроқ Вашингтон аҳоли пунктида бир киши қуён қурбони бўлди. Шунингдек, ўнлаб аҳоли табиий офатдан жиддий жабр кўрди. Фақат штатнинг Пеория шаҳридаги

тиббиёт марказига 37 жабрланган фуқаро келтирилди. Яна ўндан зиёд киши шаҳардаги бошқа шифохоналарга ётқизилди.

Қуён кўплаб шаҳарларда бутун бошли мавзеларни вайрон қилди. Бир қатор аҳоли пунктлари табиий офатдан жиддий жабр кўрди. Чикагода 75 мингга ақин аҳоли электр энергиясиз қолди. АҚШ миллий метеорология хизмати маълумотларига кўра, минтақага 65 та қуён ёпирилди. Ҳаво гирдобини мамлакатнинг Атлантика уммони соҳиллари томон йўналган. Метеорология хизмати табиий офат Огайо штати ҳамда Буок қўллар минтақасига хавф солиши мумкинлиги ҳақида аҳолини огоҳлантирди.

ПОРТЛАШ ҚҮРБОНЛАРИ ЎТИЗДАН ОШИДИ

Дамашқдаги ҳукумат биносига содир этилган портлашда камиди 31 киши бевақт ҳаётдан куз юмди. Шу ҳақда AFP агентлиги хабар тарқатди.



Агентликнинг маълумотларига қараганда, ҳалок бўлганларнинг ҳаммаси Сурия армияси хизматчилари бўлиб, улар орасида тўрт генерал ҳам бор. BBC Newsнинг ёзишича, портловчи ускуна бино ертўласига жойлаштирилган. Бу шунни кўрсатадики, бинода қуриқлаш хизмати ходимлари борлигига қарамай, қўпуровчилар ичкарига сездирмай кириб муваффақ бўлганлар.

Портлаш Ливан билан чегарадош Кара шаҳрида жанговар ҳаракатлар давом этаётган пайтда юз берди. Ҳукумат қўшинлари икки кундан буён ушбу худудни ўққа тутатган эди.

Суриянинг исёнчи "Дамашқ қалқони" ташкилоти ушбу хуруж учун жавабгарликни ўз зиммасига олди.

ЯНГИ ВАГОН НЕГА ЁНГАНИ НОМАЪЛУМ

Associated Press тарқатган хабарда таъкидланишича, Варшавада октябрь ойида илк бор йўналишга чиққан InSpigo русумли янги вагон метро бекатларидан бирида ёниб кетди.

Воқеа поезди "Политехника" станциясига етиб келган вақтда юз берди. Метрополитен ходимлари вагон остидаги олов ва тутунни кўриб қолиб, 200 га яқин йўловчининг хавфсиз жойга ўтказиши ва ўз кучлари билан оловни ўчиришди.

Саккиз йўловчи аччиқ тутундан захарлангани ҳақида шифокорларга мурожаат қилди. Ёнгин чикши сабаблари ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмади. Варшава метрополитени ўз берган хавфли ҳолат сабаблари аниқлангунча, мавжуд бешта InSpigo русумли поездини йўналишга чиқаришга туришга қарор қилди.

InSpigo метропоездларини Siemens немис компанияси ишлаб чиқарди. Ушбу русумдаги поезд таркиби Европа шаҳарларидаги метролар учун энг яхши ҳисобланади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.